

ТИҚХММИ ва ННЕЕ(ЭБРУ) Германия Халқаро Иқлим Ташаббусининг 620.000 EUR грантини қўлга киритди



The improvement of energy efficiency in the building sector through the use of renewable raw materials from agroforestry systems-Агроўрмончилик тизимларининг қайта тикланадиган хом ашёларидан фойдаланиш орқали қурилиш соҳасида энергия самарадорлигини ошириш Германиянинг International Climate Initiative - Ҳалқаро иқлим ташаббуси грант лойиҳаси

Ҳалқаро ҳамкорлар :

Берлин Техника университети, Германия Архитектура институти; Табиий қурилиш лабораторияси, Эберсвалде Барқарор ривожланиш университети (HNEE), Бутунжаҳон агро ўрмон хўжалиги маркази (ICRAF- International Centre for Research in Agroforestry) Ўрта Осиё, Қирғизистон ва Хиндистон филиаллари, Ҳалқаро қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари бўйича маслаҳат гурӯҳи (CGIAR-), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт федерал вазирлиги (BMZ).

Ўзбекистон Республикасидаги ҳамкор ОТМ :Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини Механизациялаш Муҳандислари Институти

Лойиҳа қиймати: 620.000 EUR

Лойиҳа муддати: 2021-2024 й.

ТИҚХММИ дан координатор: т.ф.н, биринчи проректор, Проф.Мирзаев Б.С.

Лойиҳа қатнашчилари: катта ўқитувчилар Г.Эшчанова ва У. Нуллаев

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Германиянинг International Climate Initiative- Ҳалқаро иқлим ташаббуси ҳалқаро лойиҳа доирасида “The improvement of energy efficiency in the building sector through the use of renewable raw materials from agroforestry systems”-Агроўрмончилик тизимларининг қайта тикланадиган хом ашёларидан фойдаланиш орқали қурилиш соҳасида энергия самарадорлигини ошириш мавзусидаги Германиянинг (Eberswalde University for Sustainable development)Эберсвалде Барқарор ривожланиш университети билан ҳамкорликда умумий қиймати 620.000 еврони ташкил қилган грант лойиҳани қўлга киритди. Лойиҳа 01.08.2021дан ўз фаолиятини бошлади.



Лойиҳа координатори Германиянинг Эберсвалде Барқарор ривожланиш университетидан координатор профессор Мартин Уелл ва Ўзбекистон Республикасининг Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг биринчи проректори, профессор Мирзаев Баҳодир Суюнович, лойиҳа қатнашчилари “Инглиз тили” кафедраси катта ўқитувчилари Гўзал Эшчанова ва Улуғбек Нуллаев ҳисобланади.



Германия хукумати томонидан молиялаштирилган мазкур грант доирасида қатнашувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳалқаро лойиҳа доирасида видео йиғилишлар ва музокаралар олиб борилмоқда ва қўшимча шартномалар имзоланилмоқда. Лойиҳа доирасида Германиянинг Z-U-G ташкилоти лойиҳалар бўйича Ўзбекистондаги вакили Юлдашева Дилфузга ТИҚХММИга ташриф буюрди ва биздаги мавжуд шарт雷锋оитлар билан яқиндан танишишга мушарраф бўлди. Шуни таъкидлаш керакки, Г.Эшчанова Германиянинг Таълим ва Тадқиқот Вазирлиги томонидан молиялаштирилган "E-agroforestry- Food security and livelihood improvement through the agroforestry in

Central Asia"- "Э- агро ўрмон хўжалиги - Озиқ -овқат хавфсизлиги ва Марказий Осиёда агро ўрмончилик орқали турмуш даражасини яхшилаш" ҳалқаро лойихаси доирасида Эберсвалде Барқарор ривожланиш университетида ёш тадқиқотчи сифатида 20.09.2018-20.11.2018й. даврида малака ошириб қайтган ва шу кунгача Германиялик профессор-ўқитувчилар билан тажриба алмашишда мунтазам ишлаб келмоқда.



Умид қиласизки, мазкур ҳалқаро лойиҳа доирасида Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини Механизациялаш Муҳандислари Институтида грант мавзуси бўйича Германиялик олимлар билан тажриба алмашиниб, шу соҳада институтимиз равнақи йўлида профессор ва ўқитувчилар, қолаверса ўсиб келаётган ёш авлодга замонавий таълим беришдек вазифаларни янада мукаммаллаштиришга ва Ўзбекистон Республикасида янада ривожлантирилиши кутилган агроўрмончилик тизимларининг қайта тикланадиган хом ашёларидан фойдаланиш орқали қурилиш соҳасида энергия самарадорлигини оширишда режалаштирилган бир қатор ютуқларга эришилади.



ТИҚҲММИ матбуот хизмати